



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“ALYANS AUTO” МЧЖ

Бош директори

О.И.Аюбов

2025 йил “08” 08

КОРПОРАТИВ СТАНДАРТ

Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида “ALYANS AUTO” МЧЖга
келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш
РЕГЛАМЕНТИ

Ишлаб чиқди:

Бўлим	Лавозим	Ф.И.Ш.	Имзо	Сана
Комплаенс хизмати	Мутахассис	Қараджанов Н.Қ.		

Келишилди:

Бўлим	Лавозим	Ф.И.Ш.	Имзо	Сана
Молия дирекцияси	Иқтисодиёт ва молия бўйича директор	Умурзаков К.Ж.		
Ходимларни бошқариш дирекцияси	Ходимларни бошқариш бўйича директор	Дехқонов А.А.		
Харидлар ва етказиб бериш тизими дирекцияси	Харидлар ва етказиб бериш тизими бўйича директор	Асадов Ё.О.		
Маркетинг, сотиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш дирекцияси	Маркетинг, сотиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш директори	Рустамбеков А.Д.		
Юридик бўлим	Бўлим бошлиғи	Очилов Б.Э.		

1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур Регламент “ALYANS AUTO” МЧЖда (кейинги ўринларда – “Жамият”) коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

Ходимларнинг Одоб-ахлоқ кодекси, Жамиятнинг порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги сиёсат ва тартиб-таомиллари, амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг бузилиши ҳамда Жамият, унинг назорати остидаги корхоналар ёки ходимларга дахлдор ноўрин хатти-ҳаракатлар ёхуд потенциал қоида бузарликлар ҳақида зудлик билан хабар бериш зарурлиги хусусида аниқ баёнот бериш;

мумкин бўлган қоидабузарликлар ёки нотўғри хатти-ҳаракатлар тўғрисида, хавотир ва муаммолар юзасидан хабар беришнинг тегишли усуллари тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш;

Ходимларга таъқибдан қўрқмаган ҳолда хавотир ва муаммолар юзасидан хабар бериш имкониятини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

1. Мазкур Регламент:

Жамиятдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Жамият раҳбарига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилаш;

барча ходимлар, Бизнес ҳамкорлар ёки учинчи шахсларни улар ноқонуний, ахлоқсиз, қонундан ташқари ёки ноўрин хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин деган гумон қилган муаммолар тўғрисида махфий мурожаат қилиши ва хабар беришида қўллаб-қувватлаш;

бундай хабарларни тақдим этиш ёки улар билан ишлашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш;

маълумотларнинг бундай фош этилиши жиддий ва махфий тартибда кўриб чиқилиши, шу боис ариза берувчи бирон-бир жавоб чораларидан хавфсирамаслиги мумкинлиги бўйича ишончни таъминлаш;

очиқлик, инсофлилик ва ҳалоллик билан боғлиқ комплаенс маданиятини ёйиш ва ривожлантиришда ёрдам беришга қаратилган.

3. Регламент Жамиятга, ходимлар, Бизнес ҳамкорлар / контрагентларга нисбатан татбиқ этилади.

4. Жамият акцияларнинг улушига эга бўлмаган корхоналарнинг ходимлари, мансабдор шахслари ва директорлари ҳам ушбу Регламент ёки шунга ўхшаш стандартларга риоя қилишлари назарда тутилади.

5. Регламент хабар беришнинг бошқа механизмларини, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш тартибини тўлдиради, лекин уларни алмаштирмайди.

6. Ушбу Регламент ва бошқа амалдаги сиёсат ҳамда процедуралар амал қилиниши лозим бўлган минимал стандартни белгилайди. Агар маҳаллий қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки қонуности ҳужжатларида юқори талаблар белгиланган бўлса, у ҳолда Жамият янада қатъийроқ талабларга риоя қилади.

7. Регламент мижозларнинг Кодекс ва комплаенс бўйича бошқа сиёсат ҳамда тартиб-таомилларнинг потенциал бузилишларига боғлиқ бўлмаган умумий шикоятларига (масалан, хизмат сифати, нархлар) ва ходимларнинг меҳнат муносабатларига оид шикоятларига (масалан, бонуслар, иш фаолиятини баҳолаш,

бошқарув қарорлари ва бошқалар) нисбатан қўлланилмайди.

8. Мазкур Регламент мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишонч телефони - Жамиятга телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқирилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

мурожаатчи - алоқа каналлари орқали Жамиятдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

манфаатлар тўқнашуви - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Жамиятларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция - шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар - ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкрий ҳуқуқлар, мулкрий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими - амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Жамият ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар - ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Жамият номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи;

таалукли хабар - Жамиятдаги коррупциявий ҳаракатлар, қоидабузарликлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

ходим - Жамият билан меҳнат муносабатларига киришган шахс (Жамият бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари, таркибий тузилмалар бошликлари (раҳбарлари) ва бошқа ишчилар);

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги - ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

Жамият назорати остидаги корхона - Жамият ўзининг овоз берувчи акцияларининг (улушларининг) йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлган ёки устав жамғармасида устун иштирок этиш сабабли тобе ва (ёки) шўъба корхонаси, қўшма корхона ва бошқа ташкилот.

Бизнес ҳамкор / контрагент - Жамият билан шартномавий муносабатларига (меҳнат муносабатларидан ташқари) киришадиган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс (Бизнес ҳамкорни контрагент, етказиб берувчи, дистрибьютор, дилер ёки Жамият номидан ва унинг манфаатлари учун ҳаракат қилишга ваколатли бошқа учинчи шахсни мисол келтириш мумкин).

учинчи томон – Жамият ёки унинг назорати остидаги корхонадан шартнома тузиш тўғрисида таклиф олган ёки Жамият ёки Назорат остидаги корхона билан бизнес ёки бошқа алоқалар ўрнатишни таклиф қилган жисмоний ёки юридик шахс.

9. Жамият коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

конфиденциаллик ва хавфсизлик – алоқа каналларидаги хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган Жамиятнинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш) га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Жамият унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди. Жамият номаъқул хулқ-атвор ёки ғайрионуний хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги даъволарни сир сақлайди ва уларни амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга мувофиқ кўриб чиқади. Мулоқотнинг танланган усулидан қатъи назар, агар махфийликни сақлаш тўғрисида сўров келиб тушган бўлса, Жамият миллий қонунчиликка мувофиқ рухсат этилган даражада махфийлик тўғрисида қайғуради (ғамхўрлик қилади);

қонунийлик – Жамият алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

қоидабузарлик – амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг бузилиши ҳамда ходимларга дахлдор ноўрин хатти-ҳаракатлар ёхуд потенциал қоидабузарликлар ёхуд жиноят содир этилганлик.

мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Жамият ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди. Жамият ходимлари хавотирларнинг сабаблари ва юзага келиши мумкин бўлган нотўғри хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш туфайли ноқулайлик вазиятда қолмаслиги лозим. Жамият хавотир сабаби ва юзага келиши мумкин бўлган нотўғри

хатти-ҳаракатлар тўғрисида виждонан хабар берган ҳар қандай шахсга нисбатан жавоб ҳаракатлари, таъқиб қилиш ва кейинги камситишларга тоқат қилмайди. Виждонан “ишонч каналлари”дан фойдаланганларга нисбатан бирон-бир душманларча хатти-ҳаракатларин амалга оширадиган, уларни таъқиб қиладиган ёки таъқиб қилишга уринадиган Ходимлар меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиладилар;

мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Жамият томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Жамият айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилади;

мурожаатларга жиддий эътибор қаратиш – Жамият мумкин бўлган Регламент бузилишлари ёки номаъқул хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги барча хабарларни жиддий қабул қилади ва барча ишончли айбловларни ўрганиш ва текшириш мажбуриятини олади. Хабарни ушбу Регламентда кўзда тутилган тартибда олган барча шахслар ундаги маълумотларни махфий деб ҳисоблашлари ва муаммо ҳақида маълум қилган шахсга ҳурмат билан қарашлари шарт;

хабарларнинг ҳалол ниятларда етказилиши – шаффофлик ва ошкораликни таъминлаш ва “ишонч каналлари”ни рағбатлантириш жуда муҳимдир. Ўз навбатида, маълумотлар ҳалол ва виждонан ҳамда хабардорлик асосида етказилиши керак. Қасддан сохта хабар юбориш, муаммо ёки хавотир ҳақида ғаразли ниятлар билан хабар бериш Кодексга зид бўлиб, ушбу Регламент бузилган ҳисобланади.

2-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ёки қоидабузарликлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

10. Хавотирларнинг сабаблари тўғрисидаги хабарлар ва Ушбу Регламентга мувофиқ юзага келиши мумкин бўлган қоидабузарликлар ёки номаъқул хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги даъволарни ўз ичига олган маълумотлар хабар берувчи шахснинг танловига биноан бунинг учун бир неча таклиф қилинган каналлар орқали берилиши мумкин. Қуйида айтиб ўтилганидек, ушбу каналларнинг баъзилари махфийликни таъминлайди.

11. Таалукли хабар қуйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>) орқали;

Тўғридан-тўғри хабар бериш: Ходимлар тўғридан-тўғри ўзларининг раҳбарига, Комплаенс хизматининг жойлардаги вакилларига, Юридик ёки Ходимлар билан ишлаш бошқармаларига хабар юборишлари мумкин.

Онлайн: Жамиятнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари jizzakhauto.uz орқали;

Жамиятнинг ишонч телефон рақами 71-202-44-43 ёки info@volkswagen.uz орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали) хабар юборишлари мумкин;

Жамиятга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

ҳуқуқни маҳофаза қилувчи органлар орқали;

мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

12. Жамият алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади, Жамият биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

3-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган таалуқли хабарларни қабул қилиш

13. Жамиятнинг Комплаенс хизмати Жамиятнинг алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарларни кўриб чиқишга масъул ҳисобланади.

14. Хабарни юборишда қуйидагиларни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

- хабарда кўрсатилган қоидабузарликка аралашган шахснинг исми, лавозими ва/ёки ишлайдиган бўлими;
- кўриб чиқиладиган қоидабузарлик содир бўлган сана (агар маълум бўлса, ой, йил ва санаси);
- илгари ҳам Жамиятда ёки унинг назорати остидаги корхонада бирон-бир киши ушбу масала юзасидан хавотирлик билдирганми, агар шундай бўлса, кейин қандай чоралар кўрилган;
- ахборот манбаи маълумотларнинг сир сақланишини хоҳлайдими;
- Жамият мурожаатчиларга мурожаат натижаларини белгиланган тартибда етказиш имкониятига эга бўлиши учун мурожаатчиларнинг алоқа маълумотлари.

15. Жамиятнинг қуйидаги алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги Жамиятларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом ва Жамиятнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун Жамият раҳбарига чиқарилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;

Жамиятнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Жамиятнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Жамиятга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали.

16. Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун Комплаенс хизмати масъул ходими тайинланади.

Бунда, таалуқли хабар келиб тушганда Комплаенс хизмати масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Жамият раҳбарига киритади.

Комплаенс хизмати масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қилади. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштириш учун сақланади.

17. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни

қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграм боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфеденциаллигини билдиради, Қонун ҳужжатларида ошкор этилиши шартлиги ёки фойдаланишни чеклашга йўл қўйилмаслиги маълумотлар ва материаллар бундан мустасно. Мазкур маълумотлар таалуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

18. Жамият раҳбари таалуқли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Жамиятнинг Комплаенс хизмати ходимига топшириқ туширади.

19. Жамиятнинг Комплаенс хизмати таалуқли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичида уни иловага мувофиқ шаклда Жамиятда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

20. Жамият мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Жамиятнинг маъсул ходими, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

Жамиятга келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қилади (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, Telegramдаги махфий чат ва.б.);

Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

Жиноят содир этилганлик тўғрисида хабар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ аноним тарзда берилиши ман этилади.

21. Жамият ходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

22. Олинган хабарлар бўйича барча таалуқли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Маъмурият ва ҳужжатлар ижроси назорати бошқармасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши керак.

4-боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш

25. Комплаенс хизматига келиб тушган барча таалуқли хабарлар ушбу хизматнинг масъул ходимлари ёки Жамият раҳбари топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади.

26. Коррупциявий ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан таалуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман

этилади.

27. Таалукли хабар келиб тушганда Комплаенс хизмати ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг таалукчилигини таҳлил қилади, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Жамият тизимига таалукли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш таалукли хабар Комплаенс хизматига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.

Жиноят содир этилгани тўғрисидаги маълумотлар дарҳол кўриб чиқилади ва бу ҳақида раҳбарият ва тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари хабардор қилинади.

28. Мазкур Регламентнинг 27-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

29. Агар Комплаенс хизмати ходими хабар таалукли эмас деган хулосага келса, бу хабар бир иш куни ичида Жамиятнинг тегишли тузилмасига билдирги асосида ўтказилиши лозим.

30. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Комплаенс хизмати ходими ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

31. Таалукли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Жамиятга келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, Жамиятнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

32. Мурожаатга жавоб Комплаенс хизмати томонидан тайёрланиб, Жамият раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади.

33. Таалукли хабарларни кўриб чиқиш якунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

34. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган таалукли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилади.

5-боб. Ҳисобдорлик

35. Реестрдан Комплаенс хизмати ходимлари, хабарларни кўриб чиқишда иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ва Жамиятларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), Жамият раҳбари ёки раҳбарнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишини назорат қилувчи ўринбосари фойдаланиши мумкин.

36. Реестр маълумотлари асосида Комплаенс хизмати ҳар чоракда Жамият раҳбарига қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга таалукли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган таалукли хабарлар ва кўриб чиқилган таалукли хабарлар сони;

қоида бузарликлар, коррупциявий ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган таалукли хабарлар сони;

кўриб чиқиш муддатлари бузилган таалукли хабарлар сони;

таалукли хабарларни кўриб чиқишнинг ўртача муддати;
муружаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа
статистик маълумотлар.

6-боб. Якуний қоида

37. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка
сабаб бўлади.

38. Мазкур Регламент, муружаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида
Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.